

Ёшлар билан суҳбатлар ўтказилиб, муаммолари ўрганилмоқда



Хусусан бугун, 20 январь куни туман ҳокимлиги мажлислар залида туман ҳокими З.Давлатов, туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари М.Чориев ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Қ.Абдурахмоновлар иштирокида ёшлар билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда сектор котиби, ёшлар етакчилари ота-оналар ҳамда ёшлар қатнашишди. Туман раҳбари ҳар бир ёшлар билан суҳбатда бўлиб, ёшлар билан ишлашда асосий эътибор уларнинг бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилишга қаратилиб, келгусида амалга оширилиши зарур ишлар белгилаб олинди.